



“Involta” Ilmiy Jurnalı

Vebsayt: <https://involta.uz/>

ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ЮКЛАМАЛАРНИНГ СЕМАНТИК ВА ПРАГМАТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Нзанова Серегул Кунградбаевна

Қорақалпоқ давлат университети таянч докторанти

seregulnzanova@gmail.com

Аннотация: Сўнги йилларда тилнинг коммуникатив-дискурсив томонига эътиборнинг кўчайиши билан юкламаларнинг функцияси кенгайиб, гапнинг семантик тузилишига таъсир этувчи сўзлар сифатида ўрганилмоқда. Юкламалар гапда ҳар хил семантик, коммуникатив, прагматик ва стилистик вазифаларни бажаради. Индикатив бўлмаган сўзлар қаторига кирувчи юкламаларнинг конкрет маъноси – денотати фақат контекстда, маълум нутқ вазиятида ойдинлашади. Мақолада қорақалпоқ тилидаги юкламаларнинг семантик ва прагматик хусусиятлари тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: юкламалар семантикаси, прагматика, контекст, нутқий акт, пресуппозиция

Аннотация: В последние годы, с изучением коммуникативно-дискурсивную сторону языка, начали больше уделять внимания на частицы и

стали изучать их как слова, влияющие на семантическую структуру речи. Выяснено, что частицы в предложении выполняют семантические, синтаксические, стилистические, коммуникативные и прагматические функции. Семантика частиц зависит от контекста. В статье рассматриваются семантические и прагматические особенности частиц в каракалпакском языке.

Ключевые слова: семантика частиц, прагматика, контекст, речевой акт, пресуппозиция

Annotation: In recent years, with the study of the communicative-discursive side of the language, began to pay more attention to particles and began to study them as words that affect the semantic structure of speech. Particles in a sentence perform semantic, syntactic, stylistic, communicative and pragmatic functions. Particle semantics depends on the context. The article deals with the semantic and pragmatic features of particles in the Karakalpak language.

Key words: particle semantics, pragmatics, context, verbal act, presupposition.

Жахон тилшунослигида инсон омили, тил ва нутқий фаолият масалаларини тадқиқ этиш юқори босқичга кўтарилиб, инсон онги ва маънавий дунёсининг нутқий жараёнда номоён бўлишини тадқиқ этишга қизиқиш кучайди. Тилнинг назарий масалаларини нутқий фаолият билан боғлиқ ўрганадиган антропоцентристик парадигма асосий тенденцияга айланди ва янги йуналишлар шаклланди.

Тил - кишилар орасида муҳим мулоқот воситаси бўлиши билан бирга нутқда мулоқот эгаларининг борлиққа, атрофидагиларга, жамиятга муносабатини ҳам англатади. XX асрнинг 60-70 йилларида тилшуносликда янги бурилиш - фактни тил орқали таърифлашдан ушбу таърифга муносабатни ифодалаш натижасида инсон нутқини дунё ҳақидаги умумий

билим билан боғлай олди. Фикрга субъектив муносабат билдиришда турли лисоний бирликлар қаторида «мулоқотнинг юқори даражада мувофақиятли бўлишини таъминловчи» юкламалар ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Рус тилшуноси Т.М.Николаева юкламаларни тадқиқ этиш ҳақида «Юкламалар тадқиқи тилшуносликдаги умумий тенденциялар билан боғлиқ, яъни шахс ўз фикрини дунё ҳақидаги умумий билим билан ёки матндаги ўзга маълумотлар билан боғлай оладиган, хабарга сўзловчининг муносабатини билдирадиган тил бирликларига эътибор қаратилганини» айтади [5:7].

Юкламалар сўзга, сўз бирикмасига, айрим ҳолларда бутун гапга ҳар хил қўшимча ёки устама маъно юклаш учун қўлланилади [3:84]. Улар сўз туркумлари орасида мураккаб категория ҳисобланиб, тилшуносликда лексик маъноли сўзларга зид, семантикаси маъноли сўзлар орқали реаллашувчи тил бирликлари сифатида талқин этилади. Юкламалар мустақил равишда луғавий маъно англатмаса-да, мустақил сўзлар билан бирга келиб уларнинг лексик маъносини юзага чиқаришга ёрдам беради. Уларнинг полисемантик хусусияти, чегараларининг ноаниқлиги, маъноси контекстга ёки нутқ жараёнига боғлиқлиги семантикасини аниқлашни мураккаблаштиради. Рус тилшунослигида В.В.Виноградов «Уларнинг лексик маънолари грамматик, логик ва экспрессив-стилистик функцияларига тенг келади» деб юкламаларнинг семантикаси уларнинг бажарадиган вазифаларига тенг келишини айтган [2:544]. Е.А.Стародумова юкламалар сўзловчи томонидан объектив ахборотни нутқ акти шартларига мослаштириш мақсадида қўлланилишини айтган [8:260]. Юкламаларнинг семантикаси контекстда маълум бўлади. Чунки бирон сўзга ёки гапга қўшимча маъно юклашини матнсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Юкламалар гапнинг мазмуний тузилишида ўзига хос ўринга эга. Уларнинг тавсифи ва таснифларида семантикаси функциялари орқали маълум бўлиши айtilган. Юкламаларнинг семантикаси прагматик хусусиятлари билан боғлиқ, яъни нутқ субъектининг нутқ жараёнида

тасвирланаётган воқеликка, ахборот мазмунига ва адресатга бўлган муносабати ташкил этади. Е.В.Падучева тилшуносликда семантика ва прагматикани бир-биридан ажратиш мумкин эмаслигини таъкидлаган эди [6:221]. А.Б.Пардаев ёрдамчи сўзларни ўрганишда прагматик ёндашув ҳақида «... ўзаро фикр алмашиш жараёнида гап ёки матн семантикасида ёрдамчи сўзлар алоҳида мавқега эга. Оддийгина битта боғловчи ёки юклама матннинг информатив ва ифодавий мақсадни, адресант адресатга етказишни кўзлаган маълумотни батамом ўзгартириши мумкин. Дискурсив таҳлил ва прагмалингвистикада эришилган ютуқлар бу масалани ҳам замонавий таҳлил усулларида атрофлича ўрганишга имкон беради» деган эди [7:23]. Шу боисдан юкламалар семантикасини уларнинг прагматик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тадқиқ этиш замонавий тилшуносликнинг долзарб масалаларидан бири.

«Прагматика» термини XX асрнинг 30-йилларида Ч.У.Моррис томонидан семиотика бўлимларидан бирининг номи сифатида фанга тадбиқ этилди. Прагматика тилшунослик фанининг янги бир назарий ва амалий тармоғи сифатида инсоннинг ижтимоий фаолиятини ўзида мужассамлаштирган нутқий жараён, нутқий вазият таъсири билан намоён бўлувчи нутқ иштирокчиларига хос коммуникатив ният билан алоқадор масалаларни ўрганади [10:5]. Нутқий акт, индикатив бўлмаган сўзлар, контекст, нутқий вазият, сўзловчи шахси каби тушунчалар лингвистик прагматиканинг марказий тушунчаларидир. Прагматиканинг асосий назарий концепциялари ва нутқ акти назарияси ҳақида А.Вежбицкая, Н.Д.Арутюнова, Дж. Остин, П.Ф.Стросон, Дж Серл, З.Вендлер, В.Г.Гак ва бошқаларнинг меҳнатларида келтирилган. Ўзбек тилшунослигида У.Э.Раҳимов, А.Б.Пардаев, Б.Менглиев, Ш.Сафаров, М.Ҳақимов, А.Кўчибоев ва ҳ.к. ўз тадқиқот ишларини прагматик мезон асосида олиб борганлар. Қорақалпоқ тилшунослигида юкламаларнинг семантик, прагматик ва стилистик хусусиятлари алоҳида тадқиқ этилмаган. Айниқса, сўнги йилларда жаҳон

тилшунослигида антропоцентристик тадқиқ натижасида инсон омили асосий ўринга чиқиши тил бирликлари ва шу тил эгаси орасидаги муносабат масаласини махсус тадқиқ этишни талаб қилади.

Прагматика ва нутқий акт назариясининг умумий тушунчалари мулоқот акти ёки нутқ акти билан бу ҳаракатлар бажариладиган контекст ҳисобланади. Прагматик мезон нутқ акти нуқтайи назаридан нутқ субъекти томонидан бажарилган ҳаракатларнинг адресатга таъсирини, унинг коммуникатив ниятини аниқлашга қаратилган. Прагматиканинг асосий жиҳатларини аниқлашда тил воситаларини танловчи гапирувчи (муаллиф) ва тингловчи (китобхон) тушунчалари уларнинг ижтимоий мавқелари (статуслари), коммуникатив актдаги шарт-шароитлар, суҳбатдошлар нутқининг бир-бирларига таъсири биринчи планга чиқади. Шу нуқтаи назардан прагматик таҳлилда дискурс, гапирувчи шахснинг нутқдан кўзда тутган мақсади, унинг суҳбатдошига таъсири, улар ўртасидаги ўзаро муносабатлар сингари омилар аниқланади [4: 17]. Сўзловчи юкламалардан фойдаланиб, воқеликка ўз муносабатини билдиради, адресатга ижобий ёки салбий таъсир қилади. Р.Бегматова юкламаларнинг семантик ва синтактик ўзига хосликларини прагматик ракурстан туриб текшириш нутқ актлари назарияси, пресуппозиция, дейксис, дискурс таҳлили каби узвлар негизида амалга оширилишини таъкидлаб ўтган [1:24]. Ҳақийқатдан ҳам, семантик синтаксис синтактик, семантик ва прагматик маънолар билан фарқланади. Прагматик маъно синтактик бирликларнинг маълум нутқ актида англатадиган маъносидир. Прагматикага кўра тилдаги лексик маънога эга бўлмаган сўзлар, мавҳум маъноли олмошлар, атоқли отлар, юклама ва кўмакчилар муайян нутқ шароитида умуман бошқа маъно англатиши ёки лексик маънога эга бўлмаган бирликлар ҳам маълум маънога эга бўлиши мумкин. Нутқда ифодаланган яширин мазмунни аниқлашда пресуппозиция ёрдамга келади. Чунки, пресуппозиция мулоқот эгаларига олдиндан маълум билим, тушунча маъносини билдириб, фикрдаги мантиқий ва яширин маъноларни кўрсатади.

Ўзбек тилида пресуппозиция масаласини тадқиқ этган У.Раҳимов ушбу лингвистик ҳодисага ишора қилувчи воситалар ичида юкламалар алоҳида ўрин тутишини, улар гап ичида ўзига хос мантиқий маънолар англатиб, ўзи иштирок этган гапнинг мазмуний тузилишини мураккаблаштиришини ҳамда турли маънодаги пресуппозицияларга ишора қилишини таъкидлайди. Чуноки «юкламаларнинг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқувчи мураккаблик уларнинг вазифасига ҳам таъсир этади» деб ҳисоблайди [9:14]. Юкламалар лексик маънога эга бўлмаса ҳам, муайян нутқ шароитида битта содда гапга тенг бўлган фикр англатиб кела олади. Масалан, *Ол бүгин адеттегиден де кеўилли еди* (М.Н). Бу гапда *де* юкламаси орқали унинг одатда ҳар доим хурсанд юриши тушунилади. *Дийди-дийди геп зой қосишым. Оны мен-ам еситтим* (М.Н). Бунда ҳам юкламасининг оғзаки нутқдаги *-ам* тури орқали аниқ «мен эшитдим» ва яширин «ўзгаларнинг ҳаммаси эшитиб бўлган» пресуппозициялари мавжуд. Масалан: *Тек китап оқыдым. (тек (фақат)* юкламаси бошқа ўқиш мумкин нарсаларни ўқимагани), *Китап та оқыдым* (бошқа нарсаларни ҳам ўқиганлигини), *Мен оқыган нәрсе китап емес.* (китоб деб ўйланган) пресуппозицияларини англатади. Гап ёки матндаги бундай маъно нозикликларини бошқача услубда, бошқа бирликлар билан етказиш мураккабдир. Шунингдек халқ мақолларининг семантик-грамматик хусусиятларини туғри англашда пресуппозицион таҳлилга эҳтиёж тўғилади. Масалан: *Ҳам дайымның үйине барайын, ҳам тайымды үйретейин* (халқ мақоли). Сўзловчи ва адресат учун умумий билим - қорақалпоқ халқида тоғанинг жиянга от совға қилиш дастури мавжудлигини билмаганда бу мақолнинг мазмунига тушунмасдик. Халқ мақолларининг қисқа қаторларда, ҳатто тўғалланмаган ҳолда берилса ҳам (*Ҳам угри, ҳам устун*) барчага тушунарли бўлиши сўзловчи ва адресатга олдиндан маълум умумий билим – пресуппозицияга боғлиқ. Муаллиф ёки сўзловчи лексик маънони адресатга (тингловчи ёки китобхонга) таъсир қилиш учун кўшимча, кўпинча ностандарт (ноодатий) маънода қўллаб, кўзда тутилган мақсадга эришувни

назарда тутади. Бу жараён сўзнинг семантик маъноси имкониятларидан прагматик мақсадда фойдаланиш туфайли рўй беради[4:11]. Нутқ актидаги юкламаларнинг вазифаси уларнинг коммуникатив-прагматик функцияси ҳисобланади. Бундай функциялар кўпроқ диалогларда кўзатилади. Диалоглар шунчаки суҳбат ёки мулоқот эгаларининг фикр алмашинув жараёни эмас, балки уларнинг позицияси ва дунёқарашини акс эттирувчи, ижобий ёки салбий баҳолашни юзага келтирувчи ўта муҳим аҳамиятга эга матн қисмидир. Сўзловчи ва тингловчилар руҳияти, ўзаро муносабати, тасвирланаётган воқеаларга муносабати шу жараёнда очилади, турли нутқий вазиятлар намоён бўлади.

Хулоса қилиб айтганда замонавий лингвистика тил орқали мулоқотни амалга оширишда фикрни етказиб бериш воситаси бўлган гапни ташкил этувчи синтактик элементларнинг семантик-синтактик ва прагматик жиҳатдан тадқиқ қилинишини талаб этади. Тилшуносликда мазмуний йўналиш шаклланиши ва бу соҳада тадқиқ ишларининг олиб борилиши натижасида гап (жумла) семантикасидаги бир қанча масалалар ўз ечимини топмоқда. Айниқса, прагмалингвистика, яъни лисоний ва нутқий бирликларни дискурсив таҳлил тамойиллари асосида коммуникатив нутқ жараёнида намоён этувчи прагматик ва стилистик хусусиятларини атрофлича таҳлил этиш кенг оммалашмоқда. Сўзларнинг лексик-грамматик категорияси сифатида юкламалар семантик ва функционал хусусиятлари бўйича анча мураккаб бўлиб, уларнинг семантикаси прагматика билан чамбарчас боғлиқ. Тилшуносликда юкламалар тадқиқининг илк босқичларида уларнинг семантик ва грамматик хусусиятлари мулоқот жараёнидан ажратилган ҳолда ўрганилган бўлса, антропоцентрик ёндашув туфайли мулоқот жараёнидаги функциялари тадқиқига эътибор кўчайди. Юкламалар лексик маънога эга бўлмаса ҳам, гап таркибида қўшимча маъноларни воқелантириш хусусиятини, модаллик категориясини, таъкид, даража сингари функционал жиҳатларини ўзида номоён қилади. Уларнинг семантикаси матнда аниқ

бўлади. Маълумки, экстралингвистик омилларга боғлиқ матн дискурс деб тавсифланиб, у юкламаларнинг семантик ва прагматик имкониятларини очиш, экспликация қилиш учун қулай муҳит яратади [1:25]. Демак, юкламаларнинг прагматик функцияси тадқиқида контекст, сўзловчи ва адресатнинг умумий билимлар фонди, нутқ пресуппозицияси, мулоқот эгалари орасидаги муносабат ва эмоционал ҳолатлар ва бошқа экстралингвистик омиллар ҳам таъсир қилади. Прагматик ва стилистик мезонлар бир бирига яқинлиги сабабли юкламаларнинг семантик ва стилистик функцияларини прагматик хусусиятлари негизида тадқиқ этиш талаб қилинади.

АДАБИЁТЛАР

1. Бегматова Р.Ф. Немис ва ўзбек тилларида юкламаларнинг семантик, синтактик ва стилистик хусусиятлари: Филол. фан. философия доктори (PhD) дисс. автореф. – Т., 2020;
2. Виноградов В.В. История русских лингвистических учений. – М., 1978. – С.143
3. Дәўенов Е. Қарақалпақ тилинде көмекши сөзлер. - Нөкис «Билим» 1994
4. Кўчибоев А. Матн прагматикаси (Ўқув-услугий қўлланма). Самарқанд, 2015. 123б. с. 12
5. Николаева Т.М. Функции частиц в высказывании (на материале славянских языков). –М., 1985
6. Падучева Е.В. Семантические исследования. - М.: Шк. Языки русской культуры, 1996. - с.221
7. Пардаев А.Б. Ўзбек тили ёрдамчи сўз туркумларининг лисоний тизимдаги ўрни ва лингвопрагматикаси. Филол. фан. док-ри (DSc) ...дисс. – Т., 2017.;

8. Стародумова, Е. А. Частицы русского языка: Разноаспектное описание. – Владивосток: Изд-во ДВГУ, 2002. – 260.
9. Рахимов У.Э. Ўзбек тилида юкламалар пресуппозицияси. АКД., С., 1994;
10. Ҳақимов М. Ўзбек прагмалингвистикаси асослари. Тошкент. Академнашр, 2013.